

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

БАҲОСИ ЭРКИН НАРХДА



Муҳаммад АМИН сурати

МАҒРУР ЙИГИТЧА



ЖАМҒАРМАНИНГ БАЙРАМДАГИ ФАОЛИЯТИДАН

Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси вилоят бўлимларида Конституция кунига бағишлаб тадбирлар ўтказди. Бунда ночор, камдаромадли оилаларга, етим ва ногирон болаларга турли совғалар, жумладан, кийим-кечаклар, ўйинчоқлар, ногиронлар ара-вачалари, китоблар, турли ўқув қўллан-малари топширилди.

70 нафар етим болалар учун 5 минг-дан 10 минггача маблағ қўйилган омонат дафтарчалари топширилди. Шу пайтгача 300 нафар етим болага шахсий ҳисоблар очилди.

Байрамга атаб давлатимиздаги 7 та оилавий болалар уйига маблағ ўтказилди.

Хоразм, Сирдарё, Қашқадарё, Наманган ва бошқа вилоят бўлимларида «Болаларга тинчлик, фаровонлик» шиори остида учрашувлар уюштирилди.

Бухоро шаҳридаги тарбиявий марказда ўқувчиларнинг «Ўзбекистон қонунларини билиши» бўйича кўрик-танлов ўтказилди.

Андижон, Бухоро кўғирчоқ театрларида болалар учун бепул томошалар кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси болалар жамғармаси ҳамда унинг бўлимлари, Конституция кунини байрами тадбирларига 10 млн. сўм маблағ ажратдилар.

УШБУ СОНДА:

РУСТАМ МАРДОН:

ДИНОЗАВРЛАРНИНГ
ҚАЙТИШИ

УСТА КЎПАЛ:

ШУНЧАКИ МАРИЯ

Кейинги сонларда

«БИЗ УЧУН КЕЧИРИНГ, ҚУЁВ»

«180 ЙИЛ ЯШАСА БЎЛАДИ»

ШОЯД, ОРЗУЛАРИМИЗ

АМАЛГА ОШСА

Азизлар! Бу дил сўзларимиз, изтиробларимизни сизларга ошкора айтаётганим учун айбга буюрмасиз.

Биз Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани, Найманобод қишлоғида яшаймиз. Оилалик бўлиб тинч-тотув яшаётганимизга ҳам кўп йиллар бўлди. Оллоҳга минг шукрлар бўлсинки биздан марҳаматини дариг тутмади. Ҳеч нарсадан камимиз

йўқ, фақат биргина тирноққа зормиз. Гоҳида газета ва журналларда, радио-телевизорда боласини ташлаб кетаётган, хорлаган ота-оналар ҳақида эшитсак кўнглимиз сел бўлиб кетади. Ҳар бор ўша болаларни тарбиямизга олгимиз, кўнглини ўқитмагимиз келади.

Афсус, қишлоқда ўсганлигимиз сабабми бунинг иложини ҳеч тополмаяпмиз. Агар сиз шу тўғрида би-

рор хабарга эга бўлсангиз, ёки ота-оналари ташлаб кетган норасида гўдаклар бўлса, қариялар қўлида қолган тарбия қилиш, боқшига қийналаётган етим-есирлар бўлса бизга хабар берсангизлар. Биз анчадан буён бир ўғил ва бир қизни ўз бағримизга олиб тарбиялашни ният қилганмиз. Шояд, шу орзуларимиз амалга ошса сизлардан бағоят хурсанд бўлардик. Тел: 39-43-95.



БОЛА ДУНЕНИ ТЕБРАТ

Муҳаммад АМИН сурати

АСЛ ЗОТИГА ТОРТАДУР

Ёши улғу, кўпни кўрган момо кўюниб сўзлаб қолди. «Ёшлигимизда беш-ўнта бола туғиб, меҳнатдан бошимиз чиқмасди. Бир кўлимиз ишда, бир кўлимиз бешикда бўларди. Дам олиш, пул топиш, нафақада ўтириш, нафақага чиқиш деган гаплар қаёқда эди. Мана насиб экан ёшимиз улғайиб кўрмагани кўрдик. Шукур, биз яйрамасак, болаларимиз, неварачевараларимиз яйрашапти. Бироқ юрагимнинг бир чети гашланади. Атрофимизда аёл боши билан тубан ишлар билан шуғулланувчи, фоҳиша, ичкиликбоз аёллар учраб туради. Улар ҳам билиб-билмай фарзанд кўради. Бунисига майлику-я бола тарбияси қандоқ бўларкин деб ўйланаман. Ахир ўша бола эртага улғаяди. Кимгадир кувё, кимгадир келин бўлади. Биров унинг зоти, насл-насаби билан қизиқади, биров қизиқмайди. Қарабсизки,

насл бузилади. Дарди-жафосини кимлар тортади...»

Момо тўғри айтдилар. Шу сўхбат баҳона бўлиб зот ҳақида мақола ёзишга киришдим. Бу мавзудаги фикр-мулоҳазаларимни ўртоқлашгим келди. Зора кимнингдир кўнглидаги гап бўлса, кўзимизни каттароқ очиб, ўйланиб олсак фойдадан холи бўлмас.

Олий даргоҳни битириб, янгитдан ишга келган чоғларимда бир танишмн кузларни йиғидан қизарган, ранглари синиққан бир жувонни етаклаб келганди. Улар ҳаяжон билан қўллариди сарғайиб кетган газетани узатиб бошидан ўтган воқеаларни сўйлади. Маълум бўлишича, жувоннинг икки фарзанди бўлиб, эри ўзи билан ишлайдиган йигирма яшар қизга ниқоҳсиз уйланиб олибди. Хотинини, болаларини демай қўйибди. Суриштирсалар ўша бехаё қиз «Эркак киши

хоҳлагани билан яшайди, бор қаерга арз қилсанг қилавер, кўрқмайман», деб қувиб солибди. Буни қарангки, аёлнинг онаси йигирма йил олдин бир пулдор бола-чақали кишини йўлдан уриб турмушини бузган экан. Мана оқибати. Зотида шу иш бор. Билганлар отаси ёки онаси, холаси ёки аммаси шундай эди-я зотига тортади-да, деб кўяди.

Ўғрилиқ, безорилиқ, йўл тўсарлик, ҳасадгўйлик ҳам шундай, авлоддан-авлодга қон билан ўтаркан. Бурунги-лар ўғрини, бузуқини, хиёнаткорни энг ёмон жазага гирифтор қилганлар. Буни кўрганлар, эшитганлар сабоқ олишган. Шундай жазоларни кучайтириш пайти келганга ўхшайди. Айниқса, битта болага етти маҳалла ота-она деган гап аллақачон унутилиб кетган. Негадир кесаларимиз ҳам маҳалла фаоллари ҳам жамиятимиз кўркига соя

солиб хунук қилиқлар қилиб юрганларга беларво. Гапирса тасвир қилмайдимки, ё гапириб ёмон кўринмай дейдимки, хуллас маҳаллаларда, кўп қаватли уйлорда гашингга тегадиган ишлар «болалаб» кетган. Ўғри, муттаҳам, фоҳиша билан бир дастурхонда ўтираемиз, сўзлашамиз. Гапини соатлаб тинглаймиз, кирди-чиқди, олди-берди қиламиз. Битта юраги қайнаб дашном берса, бошқалар томошабин бўлиб тураверди, кўриб-билиб туриб гувоҳлик беришдан чўчийди, ўзини ўйлайди. Вахоланки, ўша тубанлик бағрида фарзандлар бор. Бундай хатонинг олдини олиш учун энг аввало инсонда ҳаромдан нафратланиш туйғуси бўлиши керак. Қолаверса, бирлик, ҳамкорлик зарур. Шундагина инсонийлик нуқтаи назаридан ўз бурчимизни, миллатимиз тозаллигини сақлаётган бўламиз.

Ен-атрофимизда боласининг орқасидан боши эгилг элга қўшиллолмай қолган ота-оналар қанча. Баъзилари бор ўз боласига баҳо бериш ўрнига ўзганикинни гапирди иғво қилади.

Ҳа, инсоннинг гўзаллиги унинг ҳалоллигида. Бу сўзни эслаш, эъозлаш ҳақиқини инсонга хос. Дунёда гила минг бўлмай бир парча бўй ранг бўлса-да, зотинг тоза ҳалолу пок яшасанг, хиёнат кор бўлмасанг, оқил фарзан, ўстирсанг эл-юрт юзига ёру юз билан боқсанг буни баҳо сига ким етсин.

Иловё, кўхна Шарқ тиклангани рост бўлсин, маънави қашшоқликлар барҳам тс пиб, кадрятларимиз тиклансин. Бу фақат элимизги юртимизга, хонадонимизга дастурхонимизга файз-барка киритади.

Муқаррама ҒАНИЖОН ҚИЗ

ЕТТИ КУН

ҲОКИМ ЖУРНАЛИСТНИ ЙЎҚЛАБ БОРДИ

Нормат Қулмонов Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси. Кўп йиллар «Ленин байроғи» (ҳозирги «Сурхон тонги») газетиде ишлаган. Айни қизгин ижодий паллада биринчи гуруҳ ногирони бўлиб қолди. Яқинда вилоят ҳокими Жўра Норалиев, муовини Мухиддин Абдуллаев ва бошқалар Нормат Қулмоновнинг уйига ташриф буюришди. Унга вилоят ҳокимлигининг табрикомаси, 20 минг сўм пул, кўйлак, куртка совға қилишди. Қўтилмаган ташрифдан журналистнинг боши кўкка етди.

УТИНГА НАВБАТ ЙЎҚ

Ангор туманида 13480 хонадон истиқомат қилади. Ҳозир 10730 уйда табиий газ ёнмоқда. Қолган хонадонлар ҳам тез орада газлаштирилади: қувур бор. Вилоят маркази — Термиз шаҳрида ҳали табиий газ етиб бормаган «бурчаклар» етарли эканлигини инобатга олсак, чекка туманининг қарийб тўлиқ газлаштирилиши мақтовга лойиқ.

УСТОЗ МЕЗБОН

Чироқчилик бошланғич синф ўқитувчиси Муҳаббат Қурбонова уйда мактаб очди. У синфдаги 22 ўқувчининг аъло ўқи-маётган 15 нафарига дарсдан кейин ўз уйда сабоқ бермоқда. Болалар таҳсил олдидан ва таҳсил давомида устоз мезбон томонидан кўрсатилаётган илтфот тўғрисида бирдан ўқишга қизиқиб қолдилар. Бундан мактаб ҳам, ота-оналар ҳам хурсанд.

НЬЮТОННИНГ ЯНГИ ҚОНУНИ(МИ!)

Уйининг шифтига қатор қилиб тарвуз осган чироқчилик жаноб «ўз қилмишидан» дорулбақога [Худо кечирсин!] қулаб кетишига, сал қолди. Осиглиқ тарвузлардан бирининг ипи узилиб уй соҳибининг бошига тушди. Бироқ Ньютон қонунига ўхшаш бирор кашфиёт яратилмади. Бор-йўғи жаноб ҳозир [шифтга қараб] касалхонада ётибди.

Айтишларича, тарвузнинг оғирлиги нақ 10 килоча келаркан.

АГАР ОДАМИГА ТУШСА...

лўлилар ҳам пора бераркан. Буни Термиз темир йўл станцияси бошлиғи ёрдамчиси Жўрахўжа Саитов ўз фаолиятида синаб кўрди. У Тожикистон тарафга кетаётган 13 нафар лўлига ноқонуний битта юк вағони ажратиб бериб, эвазига уларнинг бири Чўпон Авоновдан 15 минг пора олади. Сўнг: бундай ишда кўзи пишмаган шекиди, дарров чўв тушади. 35 ёшли айбдор қилмишидан пушаймон.

«СОЧЛАРИ СУМБУЛ-СУМБУЛ...»

Дунёда энг узун соч соҳибаси Даряхон Солиҳова исм-шарифли 15-ёшли тошкентлик қизча, — десак эътироз билдиришингиз табиий. Чунки ўша Гиннеснинг машҳур «Рекордлар» китобига шу увон билан 24 ёшли япон жувони Киото кирганлигини биласиз. Бироқ Даряхоннинг сочи ҳам Киотоникидан кам эмас — 181 сантиметр.

Яна энг қизиги унинг сочи бўйидан 6 сантиметр узун.

БИРИ ҲАЛОЛ, БИРИ ҲАРОМ



Ҳ. МАМАТҚУЛОВ сурати

Хўп ажойиб замонлар бўляпти-да! Кечагина эмасиди, миршаблар нон ёпиб, бозорга олиб чиқиб сотаётган ўсмирларни тирқиратиб қувиб юргани? Сават-сават нонларини тортиб олиб магазинларга топширгани. Новойлик хунар-ку, ахир! Хунаромандлик қайси давлатга зиён етказган экан, ҳайрон қоласан киши. Бизнинг юрда ўзи шунақа, майда хунаромандлик ёқмайдиган ҳукумат бор эди... Энди-чи?

Эҳтимол, қўл силтаб, «Бариси ўзини чайқовчиликка уряпти»,— дерсиз? Мен ҳам шу фикрда эдим. Аммо, шу фикрим боис уятда, ҳижолатда қолдим.

— Ҳов, ўғлим,— деди ҳафсалам бир бўлганидан ранжиган бир киши,— ҳаммаям сен уйлагандай текин то-зоқ бўлиб кетгани йўқ. Уз хунари билан ризқини териб еяётганлар ҳам бор!

— Қани ўшалар, қани?!
Андижоннинг Шаҳрихонида бўлганмисиз? Шу жойни азалдан хунаромандлар юрти дейишади. Пичоқчилар юрти ҳам дейишармиди-ей! Шу ҳақда эшитганим бор. Индамай қолганимни кўрган ҳалиги киши овозини пастрлатди.

— Шаҳрихонда хунаромандлик қилиб пул топаётган, уканг тенгги болаларни кўриб келяпман, ўғлим!..

Ва ниҳоят, Шаҳрихон бозорини кўриш ҳам насиб этди. Ажабо, хунаромандлар растасида бунчалик бозор қайнашини кўрмаган эканман! Ҳар бир хунароманднинг олдида бир ё инкитадан ўсмирга кўзинг тушади. Айрим ўсмирлар ўзи савдо қиляпти.

— Келинг, келинг тоға, кетмон керакми, ё ўроқдан оласизми?

Ун олти-ўн етти ёшлар чамасидаги ўсмир деҳқон кишини ўзига чорлади. Унинг чорлови далда бўлибми, деҳқон кетмонлардан бирини қўлига олди.

— Қанчадан экан?— деди ўзича гўлдираб.

— Сўрайсиз-да тоға. Сўрагангаям, айтгангаям айб йўқ. Сиз сўрайверасиз, мен айтавераман. Бозор-да бу!..

Намунча бурро, ёқимтой бу бола?— ўйлайман ичимда.— Бозор уни шундай бурро бўлишга ўргатармикин?

— Юз сўмга берарсан?

Чамамда темирчи бола ўксингандай бўлди.

— Юз сўмга хўрозқанд ҳам бермаяпти-да, тоға!..

Кулиб юбордим. Менга қўшилиб деҳқон ҳам кулди. Гапни толиб гапирди, азамат! Бу кулгуси остида ўсмирнинг бозорга берган баҳоси, зугунги бозор ҳақида ўсмирларча теран мушоҳадаси... Бозор уни бугунги ҳаётда яхши яшаш ҳақида уйлаб кўриш, оламга разм солишга ўргатмаяптими?..

— Ҳов, ука, кетмонингга икки юз сўм бераман!

Мен овоз келган томонга қарадим. Яна бир бошқа ўсмир бола экан:

— Йўқ, ака, кетмон сопининг ўзини беш юз сўмга зўрға беряпти-ку? Ахир бу кетмон-а!— деди.

Ун тўрт-ўн беш ёшлар чамасидаги бола сават ясаб чиқибди. Ҳов, орқароқда онаси, укалари... Ким билади дейсиз, балки шу ўсмир йигитча бутун бошли оилани тебратаётгандир? Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз! Саватлар атрофида одамлар гавжум.

— Манави саватингга уч минг берай, болам!

— Бу саватнинг новдаси пишиқ, узоққа чидайди-да хола. Мана бунисини олинг, айтган пулингизга лойиғи шу бўлади...

Одобли бола экан,— ўйладим ичимда,— кампирни авраб-алдамади. Тўғрисини айтди.

— Яна бир бошқа ўсмир таҳоратбоп обтова сотиб ўтирибди.

— Обтованг қанчадан?— сўради кекса киши.

— Кичиғи олти минг сўм.

— Каттасичи?— сўрадим мен.

— Ун минг сўм. Менинг ҳайратомуз қараб турганимни ўзича тушуниб изоҳ беришга тушди.

— Темирнинг сарфига қараб-да, ака. Темирни ўзингиз биласиз-ку қиммат, топиш қийинлигини...

Ана сизга таърифу тавсиф! Шу болакайни бозор қилшини билмайди, ёки бозор уни айнитади, деб бўладими?!
— Шу обтовангга беш минг сўм берай!

— Ха майли, ола қолинг!..

Олган ҳам қувонди, сотган ҳам.

Бозор ўзи шунақа-да! Жуда паст баҳони айтсангиз, ёки буюмини қўлингизга олсангиз индамай қайта жойига қўйиб қўйсангиз, бунинг устига нарх сўрамасангиз хунароманд ўксиди. Олмасалар ҳам куп одам келиб сўраганидан қувонади. Демак қилган иши кўпларга ёқяпти! Узоқ талашиб-тортишсангиз ҳам қувонади. «Жуда олгиси келяпти,— дейди ўсмир,— демак, мен ясаган буюмини ёқтириб қолди. Шундай қилиб ясашим керак экан...»

Эртасига ўсмирнинг буюмга аянам илҳом билан ишлов беришга, ижодий ёндошишга тиришини тасаввур қиляпсизми?

Арқонфурушлар олдидаям, бешиқ, ёғоч аравачалару беланчалару сотаётганлар билан ҳам, пичоқфурушлар қаторида ҳам худди шундай ўсмирларни кўрдим. Булар хунароманд ёш-

лар!
Аммо, айтиб қўймасам бўлмас, бошқача «хунаромандлар» ҳам йўқ эмас экан.

— Ака, «росийский» олмайсизми? Ялт этиб ўша томонга қарадим. Дўкончига россия пули узатиб турган ўсмирга кўзим тушди. Сотувчи нохуш бош тебратиб, «йўқ» ишорасини қилди. Ҳалиги ўсмир нарироқ бориб бошқа кишига юзланди:

— Ака, «росийский» керак эмасми?..

Бозор дарвозаси биқинига ўтириб олиб чеккич, сичқон тутадиган қопқон, ўқлов кабиларни сотиб ўтирган йигит ғалати туолди. Нега хунаромандлар растасида сотмаяпти? Бир кампир унга ялиниб турибди:

— Болам, шу қопқонга беш юз сўм берай?

— Йўқ, дедим-ку, йўқ!

Намунча қўпол бўлмаса бу бола? Чеккич ушлаб турган аёл ҳам ялинарди:

— Хўп, минг сўмга бер бўлмас?

— Бир ярим минг сўм дедимми, вассалом! Бизда бўлиши айтилади. Бозор-мозор уйнармайди! Бўлиши шу!..

Кампир ҳам, аёл ҳам ҳеч нима олмай кетиб юборишди. Олишлари мумкин эди, пуллари ҳам етарди. Бир сўм-икки сўмлик фарқ нима бўлибди? Аммо ўсмирнинг қўполлиги уларнинг ҳамиятига теккан эди. Яна бир айлиниб келгач, гап нимадалигини тушундим.— Сотясанми ука!— деди бир киши ўша ўсмирга ҳарсиллаб келиб. Сотиб туравер, қуруқ қўймаман! Мен яна бир ишни битириб келай! Ҳа, айтгандай, патта текшириб келишдими? Паттани йўқотма!..

У киши қандай келган бўлса, шундай шувиллаб ўзини бозорга урди. Мана, боланинг кўрслиги нимадан эканлигини энди англадим.

Бозордаги ҳар ўсмирда бир ният — яхши яшаш. Аммо, ниятга эришмоқ йўли бошқа-бошқа... Уларни тўғри йўлга етаклаш, ҳалолликка ундаш сизу бизнинг бурчимиз. Илоийм, бозорларимиз ёш хунаромандларга, улар меҳнатининг бетақрор, ҳавас қилгудек натижаларига бойиб борсин!

Муҳаммад ҚОДИР



— ЧАРЧОҚНИ ЧОЙ БОСАДИ

Муҳаммад АМИН сурати

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ»
СЕВИМЛИ ГАЗЕТИМИЗ

Мустақил Ўзбекистонимизга қорғоз тақчиллигига қарамай газета ва журналларнинг янги-янги турлари пайдо бўляпти. Ҳар бир нашрнинг ўз мунтазарлари, мухлислари бор, албатта. Республикажиздаги кенжа газеталардан — «Оила ва жамият»нинг ихлосмандлари, ўқувчилари тобора кўпайиб бораётганлиги қувончли ҳолдир.

Бугунги талабчан газетхонни мамнун этганининг, ҳурмати қозонишининг ўзи бўлмайди. «Оила ва жамият» ижодий ходимлари бунинг уддасидан чиқаётганлиги ҳақиқат. Бу газета оламга келган кундан кўпчилик назарига тушганлиги, ўз ўқувчиларига эга бўлганлиги шубҳасиздир.

Мен ҳам газета нашр этила бошланган кундан буён унинг ашаддий мухлисиман. Шундан бери мунтазам газетани

обуна бўлиб келяпман. Ҳар йилги тахламлирини авайлаб-асраб, унинг тўрида сақлашга одатланганман. Хонадонимизга ташириб буюрган ҳамқишлоқларим, дўстларим, қариндош-уруғлар ҳам «Оила ва жамият» тахламлирини варақлаб, ўзлари севган мақола ва суҳбатларни ўқиб баҳраманд бўлишади.

Ҳа, «Оила ва жамият» бугунги кунда кўпчиликнинг маънавий мулки, сирдоши, маслаҳатчиси бўлиб қолди десам бу фикрга кўпчилик қўйилади.

Мен «Оила ва жамият»га 1994 йил учун биринчилардан бўлиб обуна бўлдим. Газета ходимларига ижодий парвозлар тилайман. Янада қизиқарли мақолалар, суҳбатлар ўқини истайман.

Абдураззоқ БУРЛИЕВ,
Сирдарё вилояти,
Сирдарё тумани.

НУРСИЙ САБОҒИ

Азиз газетхон! Исломи ишқини Аллоҳ Таоло кўнглимизга солган бир замонда китоб дўконлари ва расталарида руҳоний озукали китоблар кўздан ғойиб бўлган, аксинча фикрни чағилтувчи турфа хил саёз, савдоси чаққон, касалманд кишига ўхшаш «озгин» китоблар урчиган ҳолат пайдо бўлмоқда. Бундай вақтда китобхон учун зийраклик, дид-фаросатлилик лозимки, токи у маънавий-руҳий эҳтиёжини қондирадиган китобларни саралай олсин. Мана шундай нури китоблардан бирини ушбу йил «Мовароуннаҳр» нашриёти чоп этди. Бу устод Бадруддин Замон Саид Нурсийнинг «Рисолаи Нур куллийтидан Кичик сўзларидир. Муторжм Жаҳонгир Амир Ҳамза ёзганидек, «Рисолаи Нур Куллийти» киноят сирларини, инсоннинг яратилиш ғоясини, намоз ҳақиқатларини имонимиз суғуллаган бир даврда энг осон шаклда онгимизга етказиб берувчи, керак бўлса риёзиёт, фалакиёт ва бошқа дунёвий билимларни Қуръон илми ила исбот этиб, имон ҳақиқатларини бизга аёнлашувчи бир асардир.»

Бу китобчани то қўлга киритганингизга қадар, Сизларни рисола «Сўзларидан баҳраманд этиб боришликни холсаниллоҳ лозим топдик.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Эй, қардош! Мендан бир қанча насихат истидагин. Сен бир аскар бўлганинг учун аскарлик тамсилоти ила айтилган саккиз ҳикоячани ва улар орқали бир қанча ҳақиқатни нафсим билан бирга тингла. Чунки мен нафсимни насихатга ҳар кимдан ҳам зиёда муҳтож кўраман. Бир вақтлар саккиз оятдан истифода этиб, «Саккиз сўз»ни бир оз узунроқ ҳолда нафсимга айтган эдим. Энди қисқача ва авом лисони ила яна нафсимга аймоқдаман. Ким истаса, биргаликда тингласин.

БИРИНЧИ СЎЗ

«Бисмиллоҳ» ҳар хайрнинг бошидир. Биз ҳам аввало шундан бошлаймиз. Бил, эй нафсим! Бу муборак калима Исломи нишони бўлганидек, бу

тун мавжудотнинг ҳам лисони ҳоли ила вирди забонидир.

«Бисмиллоҳ» нақадар буюк, туганмас бир қувват, нақадар кўп, битмас бир барокот эканини англамоқ истасанг, бу тамсилый ҳикоячага боқ, тингла!

Бадавий араб чўлларида саёҳат этган одам учун лозимдирки, бир қабила раисининг исмини олсин ва ҳимоясига кирсин. Токи, қароқчиларнинг шарридин кутулиб, ҳожатини тадорук эта олсин. Акс ҳолда, ёлғиз боши ила ҳадсиз душман ва ҳожатларига қарши паришон бўлиб қолажакдир.

Мана шундай бир саёҳат учун икки одам сахрога чиқадилар. Улардан бири мутавозеъ, иккинчиси эса мағрур эди. Мутавозеъ бўлгани бир раисининг исмини олди. Мағрур эса олмади... Мутавозеъ ҳар ерда саломатлик ила кезди. Бирор йўлтўсарга дуч келганда, «Мен фалон раиснинг номи ила кезмоқдаман», деса, қароқчи даф бўлар, унга илашмас, бирон чодирга кирса, у ном ила ҳурмат кўрар эди. Мағрур эса, бутун саёҳати давомида шундай балоларга йўлиқар эдики, асло таърифлаб бўлмас.

Доимо титрар, доимо тиланчилик қилар эди. Ҳам залил, ҳам разил бўлди. Хуллас, эй мағрур нафсим! Сен у сайёҳсан. Бу дунё эса, бир чўлдир. Ожизлигинг ва фақирлигинг чексиздир. Душманинг, ҳожатинг ниҳоясиздир. Модомики, шундай экан, бу саксонинг Абадий Молики ва Азалий Ҳокимининг исмини ол. Токи, бутун коинотнинг тиланчилигидан ва ҳар ҳодисотнинг қаршисида титрамоқдан кутулсан.

Ҳа, бу калима шундай муборак бир дафинадирки, сенинг ниҳоясиз ожизлигинг ва фақирлигинг сени ниҳоясиз қудратга ва раҳматга боғлар, Қодир Рохиймининг дарғоҳида ожизлигини, фақирлигини энг мақбул бир шафоатчи қилади. Ҳа, бу калима ила ҳаракат этмоқ аскарликка олинган шундай бир одамга ўхшайдик, у одам Давлат номидан ҳаракат этади, ҳеч кимни парвосига олмайди, қонун номидан, давлат номидан дейди ва шунинг учун ҳар ишни битириб, ҳар нарсага қарши тура олади.

Сўзимизнинг аввалида: «бутун мавжудот лисони ила «Бисмиллоҳ» дейди», деб айтган эдик. Шундайми?

Ҳа. Шундай тасаввур қил: ёлғиз бир одам келди ва бутун шаҳар аҳолисини мажбуран бир ерга жалб этиб, мажбуран ишларда ишлаттирди. Ҳеч шубҳасиз биласанки, бу одам ўз номи ила, ўз қуввати ила ҳаракат этмаётир, балки у давлат номидан ҳаракат этаётган бир аскардир. Ва бир подшоҳнинг қувватига истинод этади.

Худди шунинг каби, ҳар нарса Жаноби Ҳақнинг номи билан ҳаракат этади. Заррадек уруғлар ва данаклар ўз устида улкан дарахтларни, тоғдек юкларни кўтариб туради. Демак, ҳар бир дарахт «Бисмиллоҳ» дейди: Раҳмат хазинасининг меваларидан қўлларини тўлдириб, бизларга тутайди — воситачи савдогар вазифасини ўтайди. Ҳар бир бўстон «Бисмиллоҳ» дейди. Матбаҳаи Қудратдан бир қозон бўлиб, бу қозон ичида турли туман жуذا кўп мухталиф, лазиз таомлар баробар пиширилади. Ҳар бир сигир, тева, қўй, эчки каби муборак ҳайвонлар «Бисмиллоҳ» дейди: Раҳматнинг фазлидан бир сут чашмаси бўлади. Бизларга Раззоқ номи ила энг латиф, энг наазиф, оби ҳаёт каби бир ризқни тақдим этади. Ҳар бир ўсимлик, дарахт ва ўтларнинг ипак каби майин илди ва томирлари «Бисмиллоҳ» дейди, қаттиқ тош ва тупроқларни ериб ўтади. Аллоҳ номи билан, Раҳмон номи ила дейди, ҳар нарса унга тобеъ бўлади.

Ҳа, новдаларнинг ҳавода интишор этмоғи ва мева бермоғи каби у қаттиқ тош ва тупроқдаги илдишларнинг камоли суҳулат ила интишор этмоғи ва ернинг тағида мева бермоғи, ҳар ойлар давомида нозик, яшил япроқларнинг шиддатли ҳароратга қарши тароватли қолмоғи табиий унинг оғзига шиддат ила тўқмоқ уради. Кўр бўлгур кўзларига бармоғини суқади ва айтадики, энг ишонганининг салобат ва ҳарорат ҳам Унинг амри остида ҳаракат этмоқдаларки, ипак каби майин томирлар ҳар бири Мусо алайҳиссаломнинг биттадан асоси сингари Фақулна изриб биаъсакал ҳажара [БАҚАРА — 60]

амрига имтисол этиб, тошларни парча-парча қилади ва у попириқ қоғози каби юпка нозанин япроқлар ҳар бири Иброҳим алайҳиссаломнинг биттадан

аъзоси каби оташ сочган ҳарорат қар-
Йа нару кун бардан ва саламан
[АНБИЕ — 69]

шисида оятини ўқимоқдалар.
Модомики, ҳар нарса маънан «Бисмиллоҳ» дер ва Аллоҳ номидан Аллоҳнинг неъматларини келтириб бизларга бермоқда экан, биз ҳам «Бисмиллоҳ» демоғимиз лозимдир. Аллоҳ номи ила бермоғимиз, Аллоҳ номи ила олмоғимиз лозим. Шундай экан, Аллоҳ номи ила бермаган гофил инсонлардан олмаслигимиз лозимдир.

САВОЛ: Воситачи савдогар ҳукмида бўлган инсонларга бир ҳақ тўлайми. Ажабо, асл мол соҳиб бўлган Аллоҳ биздан қандай ҳақ истар экан?

АЛ-ЖАВОБ: Ҳа, У Мунъими Ҳақийнинг биздан қийматли неъматларга, молларга бадал сифатида истаган ҳақ уч насадир. Бири зикр, бири шукр, бири фикрдир.

Аввалида «Бисмиллоҳ» зикрдир. Охирида «Алхамдулиллоҳ» шукрдир. Уртасида эса, бу қийматли, хориқо санъат бўлган неъматлар Аҳаду Сомаднинг мўъжизаи қудрати ва ҳадаи раҳмати эканини англамоқ ва идрок этмоқ — фикрдир. Бир подшоҳнинг қийматли ҳадясини сенга келтирган бир мискин одамнинг оёғини ўпиб, ҳада соҳибини танимаслик қандай аблаҳлик бўлса, зоҳирий мунъимларни мадҳ этиб ва уларга муҳаббат кўрсатиб, ҳақиқий Мунъимни унутмоқ ундан минг даража ортик аблаҳликдир.

Эй нафс! Бу каби аблаҳ бўлмаслиқни истасанг, Аллоҳ номи билан бер, Аллоҳ номи билан ол, Аллоҳ номи билан бошла, Аллоҳ номи билан ишла! Вассалом.

ЛУҒАТ:

истифода — фойдаланмоқ
вирди забони — тилда тасбеҳ айтмоқ;
тез-тез такрор айтилган дуо
шарр — ёмонлик
мутавозеъ — камтарин
залил — ҳўрланган
дафина — хазина
истинод — суянмоқ
мухталиф — хилма-хил
назиф — тоза, покиза
интишор — ёйилмоқ
суҳулат — осонлик
табииййун — табиатчилар, моддага
топинган кишилар
имтисол — намуна олмоқ
хориқо — ҳайрат уйғотадиган фавқу-
лодда нарса
мунъим — неъмат берувчи, Аллоҳ-
нинг исмларидан бири

ХАТ

ТАВҲИД

«Тавҳид илми» деган сўзни кўп эшитаману, аммо мазмун-моҳиятини яхши англайвермайман. Шу ҳақда тушунтириш берсангизлар. Акмал ПУЛАТОВ. Тошкент шаҳри, талаба.

Тавҳид илмининг таърифи:
Савол: Тавҳид нима дегани?

Жавоб: У бир илми, ҳар қандай шубҳани зойил этувчи нақлий ва ақлий ишончли далолатлар билан диний ақидаларни исбот қилишда баҳс этади. Бу илм кофирлар ботили — ноҳақлигини, шубҳаларини, ёлғонларини очиб ташлайди, у билан нафслар қарор топади ва қалблар аймон билан тинчланади. Тавҳид илми деб номланишининг боиси, унинг энг муҳим баҳси: Аллоҳ биригидир. Аллоҳ Таоло айтади: (Эй, Мухаммад), ахир сизга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган нарса ҳақи-

қат эканини биладиган — аймон келтирадиган киши (кўнгул кўзи) кўр кимсага ўхшайдими? (Бу оятлардан) ақл эгаларигина эслатма олулар.» (Раъд, 19—оят, муфассир Алоуддин Мансур таржимаси)

Савол: Қуръон бу илмга аҳамият берганми?

Жавоб: Қуръондаги асосий мавзулар, бу тавҳид илми мавзуларидир. Бас, албатта сиз Аллоҳ китобидан Аллоҳга, расулларга, охират кунига, малоюкаларга, собиқ илоҳий китобларга, мана бу борлиқни юриши учун Аллоҳ низоом қилган қадарга ишониликка даъват қилишдан холи бўлган бир саҳифани ҳам топа олмайсиз. Ҳижратдан олдинги ўн уч йил мобайнида Маккада нозил бўлган оятларнинг барчаси тавҳид ва унга боғлиқ масалаларга тааллуқлидир.

«Китобут — тавҳиддан У. СУЛТОН таржимаси



АЁЛЛАР, СИЗЛАР УЧУН

Аёл кишини гўзал, жозибали, ҳушбичим қиладиган нарсалар нима?

Аёл қайда бўлмасин ораста бўлиб, чиройли билослар кийиб юрса янада гўзал бўлади. Кўпгина хотин-қизларимиз пардоз воситаларидан тўғри фойдалана олмасликлари оқибатида ўзларида бор хусни ҳам юзага чиқара олмайдилар. Қайсидир миллатга тақлид қилиб беўхшов ярашиқсиз либослар, пахмоқ сочлар, билар-билмас буюқларни юзларига керагидан ортиқ чаплаш оқибатида асл қиёфаларини йўқотиб қўяётган аёлларимиз ҳам йўқ эмас. Айтишларича, жаҳонда энг гўзал аёллар япон хотин-қизлари эмиш. Ҳақ гап. Улардаги бежиримлик, тиниқликни кўриб биз ҳам ҳайратланамиз. Лекин, негадир доим ўзбек аёлларини улардан олдинги ўринга қўйгим келаверади. Сабаби ўзбек аёлининг хунуги бўлмаса керак. Фақат бизнинг ягона айбимиз ўзимизни парвариш қила олмаслигимиз, лоқайдлик, «чала пардоз» қилишимиз экан. Айтишдики, сиз меҳмонга борясиз, қозингизга қалам, кўзингизга сурма тега тегади, бўлмаса йўқ. Озгина уна сурасиз. Бўлди. Бу

пардоз эмас, «чала пардоз», сизни жамолингиз яшириниб қолди. Агар сиз 30 дақиқа вақтингизни ўзингиз учун ажратсангиз пардозни жой-жойига қўйиб қилсангиз бир хуснингизга ўн хусн қўшилади.

Мухтарам аёллар. Унутмангки, инсон жисми доимо парваришга муҳтож. Аввало ҳар қандай пардоздан олдин, танамиз тетик, юзларимиз тоза бўлиши керак. Бунинг учун бизда имкониятлар етарли эмас. Ишдан кеч қайтамыз. Қолаверса, иқтисодий тақчил бир даврда пардозхоналарга қатнаш акримаҳол. Биз ана шуларни инobatга олиб газетамизнинг кейинги сонларида вақти-вақти билан ушбу мавзуда суҳбатлашиб, фикрлашиб, тажрибали хушрўйпарварларнинг иш тажрибалари билан таништириб борамиз. Даставвал...

Аёлларимиз эрта туришга одатланиб қолганлар. Бу яхши одат. Энди ҳеч бўлмаса ҳафтада бир марта 30 дақиқа вақтингизни ўзингиз учун ажратинг. Биринчи галда иложи борича шифобахш ўсимликлар солинган (ромашка, шалфей) ванна қабул қилинг. Агар бунинг имкони бўлмаса шу усулда

тайёрланган илиқ сувда шошилмасдан ювининг. Унутманг: баданингизни яхшилаб ишқаланг. Ваннадан сўнг пахмоқ сочиқ билан яхшилаб артиниб, бир пиёла аччиқроқ чой ёки лимон чой ичинг. Сочларингиз қуригунга қадар маска тайёрлашга ўтиринг.

Юз териси қуруқ бўлса: ярим қошиқ асал, бир қошиқ ўсимлик ёғи, 10 томчи лимон шарбати, 2 қошиқ сут.

Юз териси ёғли бўлса: ярим қошиқ сметана, бир қошиқ творог ва озгина туз солиб аралаштирасиз. Кўз, лаб атрофларига юз кремидан суртиб, агар иложи бўлса мусика тинглаб, 20—25 дақиқа аралашмани юзингизга суриб, тинч ҳолатда ётасиз. Сабаби, фақат юзингиз эмас бутун танангиз бир пас тин олсин. Сўнгра илиқ сув билан юзингизни ювиб ташлаб, крем сурасиз (юз кремларидан). Ойнага қаранг. Сиз анча дам олдингиз, кайфиятингиз тетик, чеҳрангиз ҳам очик. Энди сочларингизни юз тузлишингизга мослаб тараб, сўнг кундалик юмушларингизни бошлайверсангиз бўлади.

ДИЛБАР тайёрлади

Дераза

АҚШДА МУСУЛМОНЛАР КўПАЙМОҚДА

Америкада мусулмонлар сони кун сайин ортомқда. Бундан 15 йил олдин 500 га яқин бўлган жомеълар ҳозирги кунда мингга яқинлашди.

«Вашингтон пост» газетасида чоп этилган хабарга кўра Америка Қуролли Кучларида ҳам илк дафъа мусулмонлиқни танлаган америкалик аскарларга имом ваъз ўқиди. АҚШга ҳар хил ўлкалардан турли йўллар билан келган мусулмонлар энди сиёсий ва ижтимоий ҳаётда ҳам фаоллиқни бошладилар. 250 миллионлик Америка аҳолисининг 5 миллионини ташкил этган мусулмонларнинг 56 фоизи кўчманчилардир.

БОШЛАРИ ҚОТГАЧ

Новгород вилоятида ғалати ўғирлик содир бўлди. Бу ердаги корхоналардан бирининг ҳовлисидан ахлат тўла прицепли юк машинасини ўғирлашди. Ахлатни қаергадир олиб бориб яшириб, машинани прицепи билан корхона ҳовлисини олди-ташлаб кетишди. Бу воқеадан хабардор бўлган новгородликларнинг ахлат ичда прицепли машинадан ҳам қиммат нима бор экан, деган ўйдан бошлари қотиб турибди.

УЙНАБ БОЙ БЎЛИШДИ

Америкалик баскетболчи М. Жоржон 1993 йилги дунёдаги энг сердаромад спортчи ҳисобланади. «Форбс» (АҚШ) журнали келтирган маълумотларга қараганда Жоржон бу йил 36 млн. доллар ишлади. Ҳўхатда иккинчи ўриндаги Р. Босун—25 млн., учинчи ўриндаги автопойгачи А. Сенна 18,5 млн. доллар топишди. Дунёдаги энг бой спортчи аёл эса салкам 10 млн. доллар даромад қилган теннисчи Ш. Граф бўлди.

ҒАЛАТИ УХШАШЛИК

Москванинг Тушина районидаги 829-мактабда роса шов-шув бўлди. Нотаниш кимсанг телефон орқали кундузи роп-роса соат 12.00 да мактаб порталида деган хабаридан ҳамманг ўтакаси ёрилди. Уқитувчилар ва катта синф ўқувчилари майда синф ўқувчиларини ҳам далага олиб чиқашди. Зум ўтмай мактабга искович итлари билан мелиса етиб келди. Синчиклаб текширилгандан сўнг мактабга ҳеч қандай нарса қўйилмагани аниқланди.

Қизиғи, ўша куни кундузи айнан соат 12.00 да ушбу тумандаги омонат кассаларидан бирини ўғри уриб кетди.

Оила

30 ЁШДА

Мен Самарқанд вилоятида яшайман, уйланиб ажрашганман, касбим — дурадгор, зарарли одатлардан холиман, ростгўй, кўнгли очик инсонларни яхши кўраман. Табиатан оғир-босиқман, ҳозирги вақтда ўз уйимда қари ота-онам билан биргаликда яшайман, маърифатли, ҳаёли, вафодор, меҳрибон 20-30 ёшлар атрофидаги қиз бола билан танишиб, оила қуриб бахтли яшашни истайман. «Оила-274».

25 ЁШДА

Қаққадарёданман, уйланиб ажрашганман, 2 нафар — бир ўғил ва бир қиз ширинтой фарзандларим бор. Ўзим ҳақимда: мўъмин-мусулмонман, диний мадрасада мударислик қиламан, 20-24 ёшда бўлган ибодли, ақлли, латофатли қиз ёки жувон билан танишиб, бир умрга бахтли-фаровон турмуш қуриб яшасам дейман. «Оила-275».



ШЕРБЕК сурати

Табриклаймиз!

Қамолу ҳурмат ва эҳтиром ила: Абдумалик МҲРОДИЛ-ЛА қори ўғли.



Қадрли волидаи мухтарамамиз Маъсума ШУҚРУЛ-ЛАЕВА!

Муборак таваллуд айёмингиз қутлуг бўлсин. Оллоҳ умрингизни узок, насобангизни бутун қилсин. Илоҳим, ҳар бир босган қадамингизда падари бузрукворимизнинг руҳлари мададкор бўлиб, фарзандларингизнинг ҳузур-ҳаловатини кўринг. Сизга яна кўп эзгу тилаклар тилаб, жамики шаҳрисабзлик юртдошларни янги йил билан қутлаб, ўғлингиз СИРОЖИДДИН, ТАДИ Ш-курс толиби



Мунис аяжонимиз Мухтарамон САЛОҲИДДИНО-ВА!

Биз сизни 18 декабр қутлуг 41 ёшингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Сизга доимо бардамлик, тинчлик-хотиржамлик, Худойимдан узундан-узун умр тилаймиз. Ҳамиша шодлик, бахт сизни тарк этмасин, деб фарзандларингиз Зоҳиджон, Ғолибжон, Мухайёхон. Андижон вилояти, Пайтўғ шаҳри.

Тошкент Давлат Дориншунослик Олийгоҳи IV-курс толиби ўкамиз ШАВҚИДДИН-ЖОН!



АБДУРАСУЛЖОН!

18 декабр туғилган кунинг муборак. Ҳаёт гўзаллиги дилингизда гул бўлиб унсин, меҳрингиз қўёши ҳеч қачон сўнмасин. Яна сенга кўндан-кўн яхши тилаклар тилаб, бир гуруҳ дўстларинг

Азиз, мухтарам оишжонимиз Хоситхон ЭЛТОЕВА! Сизни табаррук 76 ёшингиз билан чин юракдан табриклаймиз. 90-100 ёшларга қириб, фарзандларингиз, неварачеварларингизнинг нуруний буюжони бўлиб юваринг. Кўпчилик фарзандларингиз, неварачеварларингиз номидан: Талъат, Раъно, Отабек, Наргиза ва келиннгиз.

ТАШАККУР

Таваллудимнинг 60 йиллиги муносабати билан вақтли матбуот, радио-телевидениеда чиқишлар қилган, мактублар, табриклар, телеграммалар йўллаб кўнглимни тоғ қадар кўтарган хоржий юртлардаги дўстларим, биродарларимга, Наманган вилояти, Янгиқўрғон, Чортоқ ҳокимлари Бургутали Рафиқалиев, Турғунпўлат Қирғизов ва Турғунпўлат Пўлатов азизларимга, Муродовлар сўлоласи, қаами-қариндошларимга чин юракдан миннатдорчилик билдираман. Оллоҳ, ҳаммаларини ўз паноҳида соғ-омон сақласин, ишларида омад ёр бўлсин.

«Оила ва жамият» 50 (121)

Ойнаи жаҳон орқали намойиш этилган Чўлпон романи асосида яратилган «Кеча ва кундуз» видеофилми шубҳасиз ушбу йилги маданий ҳаётиимизда энг катта воқеалардан бири бўлди.

Тарихга заруратсиз мурожаат қилинмайди. Зеро, «Бугунги кун — шаклланиб улгурмаган кеча, келажак қиёмага етмаган бугун. Фақат ўтмишгина тугалланиб, тарихга муҳрланган суратдир. Фақат шу суратга қараб уни ўрганиб ўзимизнинг бугун ва эртанимиз ҳақида фикр юритмоғимиз мумкин. Бу — инсоният учун доимий дарслик, қўлланма, яъни тарих — ўзгармас қиймат, ҳеч ким раҳна соломмайдиган бойлиқдир», — деб ёзганди XX аср файласуфларидан бири. Бугун ва келажак «скелети» яратилган, бизнинг унга қандай «эт» ёпиштиришимиз ва қандай руҳ беришимиз муҳим. Искандар, Амир Темури ҳақида спектакллар яратилди, Бобур ҳақидаги видеофилм катта шўҳрат қозонди. Бу, албатта Янги даврга кадам қўяётганимизнинг далолатидир. Янги даврнинг бошланмаси мана шундай — Тарих ва Келажакка янги муносабат, янги маъсулият ҳисси билан бошланади. 30-40 йилларда Совет ҳокимияти «эти» руҳини тиклаш, халқ руҳиятида Янги давр кўникмаларини пайдо қилиш учун жуда катта бир мафкуравий — адабий эҳтирос билан ҳаракат қилин-


журят билан бу видеофильмнинг яратилишидан кў-ўп хурсанд бўлдим. Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи 30-йилларнинг бир қоронғулигида қолиб кетган, тўғривоғи қоронғулиққа итқилган роман эди. Асар 1988 йил қайта нашр этилди. Аммо бу йиллардаги сиёсий уйғониш талотўп, шиддат ва тезкорлик туйғуларига ўралган халқ романдаги ҳаётнинг вазмин, чуқур таҳлилини бамайлихотир «ҳазм» қила оладиган вазиятда эмас эди. Бугунги кунда роман материалга янги шаклда — сахна орқали мурожаат қилиш айна зарурат ва керак нарсадир.

Кўпчилик романи ўқимаган бўлса бордир-у аммо аксар халқ видеофилми мириқиб кўрди. Видеофилм халқ орасида анчайин «гап-сўзлар»га ва мунозараларга ҳам сабаб бўлди. Узи мақсад-муддао ҳам шу эди. Роман мавзуларининг образлар характери, тақдир, фожяларининг бизга керак жиҳати — уларнинг фикр, онгимизда саволларни қалаштириб ташлашадир. Ижтимоий ҳаёт ва инсон кадр-қиммати ҳақидаги саволларнинг пайдо бўлиши ва бардавом муҳокама этилиши, тўғри хулосаларга, хулосалардан амалга келиниши Янги даврнинг маънавий-руҳий зарурати талаб қилганидек шуоримизда янги сөзгилар, онгимизда янги кўникмалар, дунёқарашимизда янги принциплар

зилик беришмади. Гарсиа Маркеснинг «Елғизликнинг юз йили» романини тасвирга туширишларини истамаётганлиги тасвир имкониятига нисбатан ҳали ҳам Сўз имкони кенглигига далолатдир.

«Кеча ва кундуз» видеофильмининг режиссёри фидоий инсон Мақсуд Юсунов мана шундай имкон ва имконсизлик ўртасидаги мувозанатни жуда катта маҳорат билан сақлаб олган. Биз видеофилмда романда йўқ манзара, детал, персонаж ва эпизодга дуч келамиз. Булар романнинг ички товланишини очиб беришда жуда қўл келган. Айни вақтда романдаги айрим деталлар, манзара, кўринишларнинг четлаб ўтилгани балки тасвир — филмнинг сўз қаршисидаги имконсизлик ҳолатидандир.

Видеофилмда Чўлпон сиймосини кўрамай. У ўйга чўмган ҳолда атроф-муҳитда кезиниб юради. Ҳатто эпизодик образ сифатида ўз қаҳрамонларига қўшилиб, улар билан бирга яшай бошлайди. Романда эпизодик образ сифатида тасвирланган тарихий шахс Шараруддин Хўжаев сиймосида Чўлпон жонланади. Мирёқубни ўтмиш гуноҳлари устиде тергай бошлайди. Яъни, Мирёқуб ўтмишидан тавба қилади. Қалбини тавба суви билан юваётган ва онгда янги инсон — халқни эркак олиб чиқиши мумкин бўлган



сёрнинг роман гоёси, образлар характери, тақдир раъзларини яхши тушуналганига яна бир детални романга қирилганлигида кўринади. Эйтибор берган бўлсангиз, Зеби сургун қилинган, уни вокзалга Улмасжоннинг аравасида олиб боришади. Бу ўта ҳаяжонли ҳам раъзий маънога эга бўлган эпизод романда йўқ. Эпизоднинг раъзийлиги шундаки, турмуш ташвишларига ўралиб юрган, Зеби (эрк) учун курашаган Улмасжон (халқнинг бир вакили) эрк (Зеби)нинг халқ ичидан сургун этилишига ўз «ҳиссаси»ни қўшганлигидир.

Видеофилмда айрим камчиликлар борки, унга эътиборсиз қараб бўлмайди. Романда Зебилар меҳмондорчиликка кечкурун кетишади. Қоронғу кечанинг Зеби кўшиги билан уйғунлашиши жуда юқори поэтик савияга кўтарилган. Видеофилмда кеча манзара сакланмаган.

Манзилга етиб келадилар. Зеби пойлоқчи кампирни уйғотиш билан овра бўлиб қолади. Аравакаш Улмасжон ҳам кампирни уйғотишга келади. Романда ўқиймиз: «Бу вақтда ой анчагина юқори кўтариллиб қолган эди. Аравакаш юмшоққина кулимсиради. Ёш йигитнинг бу ёш ширин табасумини ой ёруғида алайна кўра олган ёш қиз бутун баданларидан мулоиймгина дуркираш кечганини пайқайди ва кизариб тескари қаради...» «Шунда кампирнинг бошидаги қўл бошқа бир қўлнинг ўзига келиб текканини боғидан кучлироқ бир дуркираш билан сездди. Эркак зоти билан биринчи марта бу хилда учрашган ёш қиз-шу пайта бир оз гангараган эди...» (42 бет).

Чўлпоннинг нозик туйғуларни бундай ифодалаши Зеби беғуборлиги, софлиги ҳарактерда жамлаб бугунги кундаги маънавий зарурат тақозаси билан пайдо бўлган санъати асари бўлишлик билан соя солмайди. Халқ ўртасида, матбуот саҳифаларида видеофилм ҳақидагина эмас, романдаги ҳаёт талқини, ижтимоий-маънавий тубанлаштиши, истибод жамиятининг яшаб қолаётганлигига далолат қиладиган руҳий таҳлиллар ҳақида баҳслар, мунозаралар давом эттирилиши керак. Халқ орасида мунозара бор экан, демек у фикрлаштири. Фикрлаётган, ҳақиқатни ахтараётган халқ эса ҳеч қачон кечаги жамиятга қайтмайди. Янги давр янги одамларнинг ҳаёт сахнасида чиқиши худди шу тарзда бошланади.

Хуллас, видеофилмда бахшлашадиган ўринлар кўп. Аммо бундай камчиликлар видеофилм ютуғига бугунги кундаги маънавий зарурат тақозаси билан пайдо бўлган санъати асари бўлишлик билан соя солмайди. Халқ ўртасида, матбуот саҳифаларида видеофилм ҳақидагина эмас, романдаги ҳаёт талқини, ижтимоий-маънавий тубанлаштиши, истибод жамиятининг яшаб қолаётганлигига далолат қиладиган руҳий таҳлиллар ҳақида баҳслар, мунозаралар давом эттирилиши керак. Халқ орасида мунозара бор экан, демек у фикрлаштири. Фикрлаётган, ҳақиқатни ахтараётган халқ эса ҳеч қачон кечаги жамиятга қайтмайди. Янги давр янги одамларнинг ҳаёт сахнасида чиқиши худди шу тарзда бошланади.

Фидоийлик, журъату хизматнинг қадрига етиш вақтда бизнинг инсоний бурчимиздир. Шунинг учун ҳам видеофилм режиссёри Мақсуд Юсунов, видеофилм бадиий раҳбари Урол Утаев, сахналаштирувчи — мусавир Акмал Расулов, Чўлпон образининг ижроси Муҳаммади Абдуқундузов 1994 йилги Алишер Навоий номидаги давлат мукофотига тавсия этилган экан, биз бу ташаббусни тўла қўллаб-қувватлашимиз керак.

Улуғбек СУЛТОН

«КЕЧА»НИНГ МАНЗАРАЛАРИ



Абдул Ғани ЖУМА сурати

ган эди. Янги ҳокимият асосларини халқ руҳида тиклаш «жазава»си бизда жуда узоқ ҳукм сурди. Ва маълум натижаларга ҳам эришди.

«Модомики биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар йўсинда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз...», деб ёзганди Абдулла Қодирий. «Шаклланиб улгурмаган», «қиёмага етмаган бугун»имизнинг ўзига ҳо маънавий — ижтимоий заруратлари бор. Юз йилдан ортқ истибод жамиятида яшаган халқимизда Инсон табиатида ёт кўникмалар шаклланиб қолган. Мутеълик, дунёбеҳбарлик, сўлғин журъатсизлик, фалажлик — ўтган давр халқ руҳиятида қолдирган мана шундай кир, доғларни сидириб, ювиб ташлаш керак. Шундагина халқ Янги даврни ҳис қилади ва янги ижтимоий ҳаёт қўрилади.

Мен бир томошабини муҳиб сифатида мазкур заруратни англаб, иқтисодий бўҳронга парво қилмай, катта

пайдо бўлади. «Кеча ва кундуз» романи мана шу мақсад йўлида хизмат қилиш учун эллик йил кутиб турди. Бугун эса ойнаи жаҳон орқали халқ ичига кириб борди.

Авалло шунга айтиб қўйиш керакки, тасвирга олишда режиссёрга берилган хос имкониятлар бўлади. Шу маънода роман воқеа-тасвирларининг видеофилмда айнан акс эттирмаганлигида режиссёрни айблаш хато.

Режиссёр романда йўқ тасвир-манзаралардан, детал ва бошқа қўшиш мумкин бўлган унсурлардан видеофилмда вазият тақозоси билан ижодий фойдаланиш ҳуқуқига эга. Жуда кўп романлар борки, видеофилм ёки кино тасвирга тушурилганда гул-гул очилиб кетган ёки романига нисбатан гоёлар қайтадан кашф этилган. Аммо аксар ёзувчилар тасвир имкониятига кўп ҳам ишонмайди. Шунинг учун ҳам ўз асарларини филмга олишга ро-


жадид пайдо бўлаётганини кўрамай. Лекин жадидчилик гоёлари баҳси изчиллик билан тасвир этилганда эди, биз бу янги шахс руҳий кечинмалари тасвирини мукамалроқ кўрган бўлардик.

Видеофилм беш қисмдан иборат — жуда катта полотно сифатида яратилган. Романи бутунлай қамраб олишга уринилган. Шундай бўлса ҳам романдаги айрим манзаралар сиқштириб берилди. Бу «сиқштириш»ларда ҳам режиссёрнинг устамонлигини кўрамай. Чунки М. Юсунов сўз ва тасвир имкониятлари ўртасидаги тафовутларни жуда яхши ҳис қилади.

Чўлпон яратётган ҳар бир образига инсонпарвар ёзувчи сифатида ёндашади. У инсонни бадном қилиш ёки ўлдириб юборишга ботинавермайди. Романда Отабек ёки Ермат сингари қўлида пичоқ тутган одамни кўрмаймиз. Раззоқ сўфи Эшонни бўғиб ўлдириб кетади. Лекин бу манзара тасвирланмайди. Видеофилмда эса аксинча — Раззоқ сўфининг калтакланиб, кўчага олиб чиқиб ташланганини кўрамай. Чўлпон хоҳ у Акбарали бўлсин, хоҳ мутаассиб Раззоқ сўфи бўлсин, хоҳ удабурон хотинбоз Мирёқуб бўлсин, уларни бадном қилмай, тирик инсон сифатида тушунишга, тирик қурбонлар эканлигини англашга уринади. Асл қотиллик халқ ўртасидаги қиргин эмас, бу қиргинга сабабини пайдо қилган Онгдаги жаҳолат, бидъат, фикрсизлик, руҳсизлик эканлигини кўрсатади. Видеофилмда бу ҳолат сақлаб қолина олган. Айниқса, Чўлпон шеърлари қўшиқ қилиб айтилиши бутун видеофилмга Чўлпон руҳини олиб кирган. Боя айтганимиздек, Чўлпоннинг инсонпарвар хислати бой хотинлари, ҳатто Султонхон ҳолатларида шоирнинг хўрланган ўзбек аёллари ҳақидаги дардлик шеърлари қўшиқ қилиб олиб қирлиши — мазкур ҳолатларга уйғунлаштирилиши айна режиссёрлик маҳорати самарасидир.

Чўлпон Зебини асл инсонлик фитратини сақлаб қолган содда, беғубор образ қилиб яратди ва уни атрофидаги ҳимоячилари бўлиши керак бўлган Раззоқ сўфи, Акбарали қабилларнинг жаҳолати, бадбин, онгсизлиги туйфайли чор Русияси маъмурияти томонидан тортиб олинган Эрк, Озодлик тисмолига айлантиради. Режис-

ДИНОЗАВРЛАРНИНГ ҚАЙТИШИ



Америкалик кино усталари томонидан яратилган динозаврлар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи «Журассик Парк» номли филм ҳақида ёзмоқчи эдим. Лекин филм ҳақидагина эмас, балки динозаврлар ва уларга алоқадор баъзи бир маълумот ҳақида ҳам қисқача-роқ тўхталишни лозим топдим.

Динозавр сўзи биринчи марта 1842 йилда англиялик анатомист жаноб Рикард Овен томонидан қўлланган эди. Археологик қазилмаларда топилган ва шу замонга қадар номи аниқ бўлмаган бу ҳайвон скелети динозавр номи берилди. Овен бу ҳайвон скелетининг катталиги учун икки юнонча сўзни бириктириб (denios — даҳшатли, savros — судралувчи) динозавр деб атади. Бугунги кундаги археологик илмий текширишлар динозаврнинг бундан 230 миллион йил илгари дунёга келиб, 65 миллион йил илгари тамоман қирилиб кетганини кўрсатмоқда. Олимлар шу бугунга қадар 350 динозаврнинг турини аниқлаган бўлиб, бу рақамнинг ярми кейинги 20 йил ичида ўртага чиқди. Фақат бу турларнинг тўп-тўп бўлиб яшагани ва сон жиҳатдан бу қадар кўп бўлмаганлиги қайд этилгандир. Яқин кунгача энг қадимги динозаврнинг бундан 230 миллион йил аввал яшагани аниқ эди. Бу — узун бурунли, бўйи 5 метр бўлган судралиб юрувчи динозаврнинг жуда яхши сақланган скелети 1988 йилда Чикаго Университети профессори Паул Серепо томонидан Аргентинанинг шимолий-ғарбий қисмида жойлашган бир водийдан топилган эди. Аргентинанинг бу водийси дунёда динозаврларнинг биринчи изи топилган ўлкалардан ҳисобланади. Маданий ҳаётдан узоқ бўлмаган бу водийда 225 миллион йил илгари динозаврлар яшаган бўлиб, сон жиҳатдан оз ва бўйларини ҳам кичик бўлган.

ОЧКЎЗ ДЕВЛАР

Динозаврларнинг очкўзлари ҳақидаги аниқ-бир далил Аргентинанинг Ишидуоласто водийсидан узоқда жойлашган Неф Микико шаҳрининг шимолида кичик бир музейда сақланмоқда. Музейнинг мудирини Лейнет Гиллете бу ерда зиёратчиларга етилган бир жинс, Хероподнинг скелетини кўрсатмоқда. Бу жинснинг қорин бўшлиғида Хероподнинг кун-

далик овқати бўлган ўз туридан тарқалган ёш Хероподнинг суякларини кўрибди. Бу эса динозаврнинг нақадар даҳшатли ва очкўз бўлганлигини кўрсатади. Херопод скелети қазилган ердан динозаврларнинг бошқа турига мансуб бўлган юзларча динозаврларнинг суяклари ҳам топилди. Хўш, бу динозаврларнинг бир ерга кўмилишига нима сабаб бўлган?


Табий офатми? Еки баъзи бир кучлар тарафидан овламоқ учунми ёки йўқ қилмоқ учунми? Бу мавзу эса ҳозиргача фан оламида сир бўлиб келмоқда.

ДУНЁГА ХАВФ СОЛГАН БУЮК ФАЛОКАТ

Динозаврлар ер юзидан қандай йўқ бўлди? Илмий текширишлар натижасига кўра Триас даврининг охириларида келиб, тахминан 210 миллион йил аввал дунёда катта бир фалокат юз берган. Бу фалокат натижасида динозаврларнинг бир қанча турлари йўқ бўлган. Юқорида айтганимиз тимсоҳ шаклидаги катта тури ҳам қолмаган. Ҳаётда яшаб қолганларининг кўпчилиги эса кичик турларга хос бўлган.

Авваллари баъзи бир билим одамлари фалокатнинг асосий сабаби қилиб Канададаги Маникуаген ёнғинини кўрсатишар эди. Тахминларга кўра ер юзига тушган бир метеорит 60 милдан ҳам кенроқ ўлчамда чуқурлик очган. Метеорит тушиши натижасида осмонга чиққан чанг-тўзон қуёш нурларини тўсиб аввал ўсимликларнинг, сўнгра эса ҳайвонларнинг йўқ бўлишига сабаб бўлган.

Энг сўнги радиометрик ўлчамлар эса Маникуаген ёнғинининг фалокатидан бир неча миллион йил аввал юзга келганини кўрсатмоқда. Ваҳоланки, олимлар археологик қазилмаларда бу санга оид ҳеч қанақа биологик из топишолмаган. Олмон олими, машҳур археолог Ханс-Диетер Суас бу мавзуга оид ўз фикрларини шундай изоҳламоқда. «Табий қирғиннинг юзга келишига ер юзига тушган бу дев жисм сабаб бўлмаган бўлса, нима сабаб бўлиши мумкин? Хозирча бошқа тахминлар йўқ».



МИНОРАДА БИТИЛГАН ТАРИХ

С. МАҲҚАМОВ сурати

СПИЕЛБЕРГНИНГ ДИНОЗАВРЛАРИ

Америкалик кинорежиссёр Стивен Спилберг ёзувчи Майкл Крихтоннинг дунё китоб пештахталарида 5 миллион нусхаси сотилиб, рекорд қўйган «Динопарк» номли китобини ўқиб чиққач, «Офарин, энди биз бу роман-дан филм яратамиз» деди. Спилбергнинг бу қарорига ёзувчи Крихтон ҳам қўшилди ва қисқа вақт ичида сенарий ёзилди. Сенарий битга, дарров филм олишни бошлаб юборишди.

«Ишнинг энг қийини филмдаги динозаврлар шу қадар ҳақиқатга яқин бўлиши керак эдики, томошабинлар ҳаяжондан ўринларидан тинч ўтиролмайдиган ҳолатга тушишлари керак эди»,— дейди Спилберг.

Шундай қилиб, ҳозирги кунларда дунё кино клубларида севиб томоша қилинаётган «Журассик Парк» филмининг олинини шундай бошланди. Жўра, тарихнинг Полеозой давридаги энг кучли динозавр тури бўлиб, машҳур кинорежиссёр Георг Ликас томонидан қурилган НЛМ ширкатининг билгисайяр (компютер)ларида миллионларча йиллардан сўнгра қайта тикланди. Билгисайярлар ёнида ўтириб, тер тўккан ходимлар 18 ой ҳар куни, балки кунда 24 соат ишлаб бир мўъжиза яратдилар...

...Режиссёр Стивен Спилберг эса 65 миллион доллар сарфлаб кинога олган бу филмдан жуда ҳам хурсанд...

Албатта, хурсанд бўлмай бўладими? Ҳаммаси бўлиб 125 миллион сарфланган бу филм 87 кунда 500 миллион доллар соф фойда келтириб, Гиннеснинг «Рекордлар» китобидан жой олди. Ҳали яна бу филм ҳақида қанчалар гапирилади, ёзилади ва у неча долларлаб соф фойда келтиради.

Рустам МАРДОН тайёрлади.
Истанбул

ЖУРЪАТЛИ БЎЛИНГ

«Оила ва жамият»нинг шу йилги 43-сонида босилган Ҳувайдулло Розиковнинг «Ўзимни кечиролмаялман» мақоласини ўқиб, имсонки қадрлаш туйғуси ҳақида йўлар эканман, бир воқеа ёдимга тушди. Наманган-Учкўрғон автобусида келаётган эдим. Одам кўплицидан қимирлашга имкон йўқ. Орқа ўриндиққа бемалол жойлашиб олган оппоқ соқоли чол билан ўттиз ёшлардаги йиғир сархуш эдилар. Ҳар иккаласи беҳаёлларча сўзлашар, биздан мутлақо андиша қилишмасди. Аёллар чолнинг оғзидан чиқаётган гапларга ёқа туғлаб, «Е тавба, шундай нуруний одамнинг қилигини қаранг», деб гудралиб қўйишарди. Бир пайт ҳалиги қария шериги ёнида ўтирган ёшгина қизга ҳазил қила бошлади. Қиз уялганидан қил-қизариб ўзини қўярга жой тополмас, бироқ туриб кетишининг ҳам илжиси йўқ эди. Бу воқеани катта-кичик кўриб турса-да, бир оғиз танбех айтишга, ширакайф оқсоқоли тартибча чақирини оғиз эдилар. Орқа қандаб туролмадим. Одамлар орасидан сурилиб, имонизининг тепасига келдим-да, қўлидан маҳкам ушлаб, «Агар шу қиз неварангиз бўлсан

сиз каби қариб қуюлмаган чол ҳамманинг олдига ҳижолатга қўйиб, ҳазиллашса, нима қилган бўлардингиз?», дедим. У эса оғзидан вино ҳидини буруқситиб, «Омадингизни берсин сизниям», бизни ишга аралашманг», дея мижговланди. Қиз нажот кутарди. Бор кучим билан чолни кўтардим-да, ерга тушириб қўйдим. Орқасидан шериги ҳам тушиб кетди.

Юришда давом этдик. Ҳар томондан «Ажаб қилдингиз» «Отангизга раҳмат, имониздан қутулдик», деган мақтовлар эшитдик. Бироқ бу мақтовлар менга татимадди. Одамлар орасида кўриб кўрмаганга, биллиб билмаганга олиш иллати қачон йўқоларкан? Мен ботирлик кўрсатдим, дея мақтанмоқчи эмасман, аммо ҳамюртларимда доқайдилик касали авж олаётганидан ташвишдаман. Чунки бундай нохушликлар ҳар қадамда учраб туради.

Иллатни кўриб, вақтида илдизига болта уролмасдан ўзини кечиролмай юрган ҳамюртларимизга қарата: «Журъатлироқ бўлайлик, шундагина миллат қабулидаги турли бачкана туйғулар йўқолади», дегим келади.

Боқий МИРЗО
Чортоқ

[Боши ўтган сонларда]

ШУНЧАКИ МАРИЯ

[КЎП СЕРИАЛИ ТЕЛЕҚИССА]

12-ҚИСМ

...секин қимматбаҳо мато ва кийим-кечақларини олиб чиқишди. Буни ҳам қойиллатиб бердим. Ҳар ҳолда ўзимга ҳам уч-тўрт танга пул қолди. Чўнтагимда жарак-жарак пул. Икки-уч марта кишлокка — онамга пул юбордим... Бир куни ҳаёл суриб ўтирган эдим, бирдан, бу шаҳри азимга нима учун келганлигим ёдимга тушиб қолди. Шунда Аннини чақириб, сўрадим...

РЕКЛАМА
«Оила ва жамият»га
обуна бўлинг
13-ҚИСМ

...Ани эса: «Мана савдога анча қўлинг келиб қолди. Энди ўкиб нима қиласан? Савдода ўкиш эмас, тажриба биринчи ўринда туради! Сени битта ютуригинг, сенда чирой бор! Бозордаги обрўйинг ҳам ана шу чиройинг!» — деди. Шунда билдимки, савдода чирой жуда катта рўл ўйнаркан... Шу билан ўқишга бўлган кизиқиш сўниб, бозор иккинчи уйим бўлиб қолди... Энди мен савдогарчиликни бошлаганимда бозор жуда ҳавфли эди! Молни яшириб сотардиқ. Ўшанда яшириб сотишинг ҳам бир гашти бор эди. Хозиргилар савдогарми? Гаштни нима биледи? Авваллари бозорда савдогар мили...

РЕКЛАМА
«Муштум»га обуна
бўлинг
14-ҚИСМ

...сани кўрса сичқонни ини минг танга бўлиб кетарди. Тўғриси айтсам, ўшанда милсалар кўпинча менга индашмасди. «Ха, кўзингдан акаси!» деб ўтиб кетаверишарди. «Гўзаллик оламини кутқарар», деганлари шу-да. Бир куни...

РЕКЛАМА
«Оила ва жамият»га
обуна бўлинг
15-ҚИСМ

...десангиз, гўзалликни кадрига етмайдиغان бир милсаннинг қўлига тушиб қолдим. Қани энди бу милиса нимо-шторога, нозу-карашмага, жилваю ишвага тушунса! Қўлимдан молимни олиб, ўзимни милсахонага обориб тикди. Орадан бироз вақт ўтгач така мўйлов кўйиб олган бир йигит милсахонага кириб келди ва мени бу ерга олиб келган милсаннинг қўлига бир нималар тегиш ҳам...

16-ҚИСМ

...да унинг чўнтагига қўл солган эди, милса мени кўйиб юборди. Кейинроқ сўраб-суриштирсам, «така мўйлов» бозорнинг олд йигитларидан экан. Менга ишқи тушиб шундай «хавфли иш»га қўл урганлигини билдим. Унинг кўрсатган «кахрамонлиги» менинг тош қалбимни эритиб юборди. Шушу билан менинг ишқий саргузаштларим бошланди.

РЕКЛАМА
«Муштум»га обуна
бўлинг
17—93-ҚИСМЛАР

Сен севасанми, мен севаманми?

РЕКЛАМА
«Наврўз» ва «Маҳалла» хайрия
жамғармаларининг
потерясини сотиб
олсангиз бахт сизга
қулиб боқади

94-ҚИСМ

Ўзиям бечора йигит оркамдан роппа-роса беш йил ялин юрди. Бутун бойлигини йўлимга сочди. Мен эса хар сафар севги изҳор қилганида «ўйлаб кўраман» дейману, сабил қолгур савдо билан бўлиб ўйлашга вақт тополмайман. Шундай бўлса ҳам сарсахча олиб-югуриб кўнглимни толди ва мақсадига етди. (Етмай кетсин эди.) Шаҳарнинг катта ресторанидан бирида дабаба билан тўйимиз бўлиб ўтди.

РЕКЛАМА
«Оила ва жамият»га
обуна бўлинг
95—150-ҚИСМЛАР

Эру-хотиннинг орасида бўладиган хулу қурук гаплар...

РЕКЛАМА
«Наврўз» ва «Маҳалла» хайрия
жамғармаларининг
потерясини сотиб
олсангиз бахт сизга
қулиб боқади

151-ҚИСМ

Орадан тўққиз ой ўтгач бир кизлик бўлдиқ. Лекин дуненинг ишлари бир мири кам икки экан. Қизимиз икки ойлик бўлгандан кейин ўлгур

эрим мендан айнади. Сабаби... энди савдо ишининг қанчалик нозиклигини ўзингиз биласиз. Баъзида харидорнинг терисини ичига кириб олиш учун унга яхши гапириш, «жоним-жоним» деб суркалайшга тўғри келади. Шундай қилмасангиз молингизни сотолмайсиз-да. Хозиргилар-чи, без бўлиб ўтираверадилар... Шу қилқларимни бир-икки марта кўрган экан, рашк қилиб мени ташлаб кетди.

РЕКЛАМА
«Оила ва жамият»га
обуна бўлинг
152-ҚИСМ

«Билмайин босдим тиконни...»

153-ҚИСМ

Яна жонимга Ани оро кирди. Мени ва қизим Лаълихонни ўз бағрига олди... Бир куни тўсатдан кўча эшиги тақиллаб қолди. Бориб эшикни очсам, бир милса турибди. Уни дарров танидим. Бу ўша, мени милсахонага олиб борган, гўзалликни кадрига етмаган милса. Мен эшикни ёпмоқчи бўлган эдим, у эшикка оёғини тираб, «гапим бор» деди...

РЕКЛАМА
«Муштум»га обуна
бўлинг
154-ҚИСМ

Бегона кўздан нари деб, ичкарига тақлиф қилдим. «Гапиринг, гапингизни», дедим. У чуқур уф тортиди. Билдимки, бечоранинг дарди ичида. «Ўшандан бери ёнаман!» деди. «Нимага?» дедим. «Ўшанда мен сизни ноҳақ қаммаган эдим!» — ўтган ўтди, унутиб юборганман, — дедим. У менга ғалати қаради, сўнг яқинроқ суриди. «Мен сизга...

РЕКЛАМА
«Оила ва жамият»га
обуна бўлинг
155-ҚИСМ

...бир сирни очайми?» деди. «Очинг», дедим. У ўғринча кўча эшиги томон қараб олиб, гапира бошлади. «Ўша куни, — деди у чуқур тин

олиб, — «така мўйлов» менга пул кистириб, «шу кизини қамайсан, сўнг мен кутқариб оламан. Шу билан унинг юрагини забт этаман» деди. Мен очкўз унинг найрангига лакка тушибман. Шундан бери ўртанаман, нимагаки, қаптарни тутиб бировнинг қўйнига солиб қўйибман!» «Сохта қахрамонликнинг сирини очилди. Ҳар ҳолда «текин»га эмас. «Энди, — деди милса бошидаги шапкасини ечиб, ялтироқ бошини, сўнг шапкасини ичини рўмолчаси билан артиб, — гап бундай. Эшитишимча, «така мўйлов» сизга бевафолик қилибди! Агар, розилик билдириб...

РЕКЛАМА
«Муштум»га обуна
бўлинг
156-ҚИСМ

...менга жуфти ҳалол бўлсангиз, бошим осмонга етарди».

Мен бу «сотқинлик»ни хазм қилолмадим. Аксинча, бу гапни эшитиб, собик эримга янада хурматимни ошди. «Бечора хийла билан бўлса ҳам кўнглимга йўл топган экан-ку!»

— Кечирасиз, — дедим унга, — савдогар билан милса?.. Агар, хўп десангиз, қиёматли дўст тутинамиз».

У бироз ўйланиб турди-да, сўнг ноилжоз рози бўлди. Шундай қилиб, савдогар билан милса қиёматли дўст тутинди. Ха, милса яна уч-тўрт марта оғиз солди. Лекин дўстлик дўстлигича қолди.

157-ҚИСМ

Орадан бир йил ўтгач, бошим очқлигидан хабар топган Сафо қассоб менга ошиқи бекарор бўлди. Қассобнинг тешуқлари* катта бозорга кираверишдаги кўк гумбазнинг остида...

РЕКЛАМА
«Наврўз» ва «Маҳалла» хайрия
жамғармаларининг
потерясини сотиб
олсангиз бахт сизга
қулиб боқади

158—372-ҚИСМЛАР

«Юр муҳаббат кетдик бу ердан...»

РЕКЛАМА
«Оила ва жамият»га
обуна бўлинг
373-ҚИСМ

Сафо қассоб билан бошланган ишқий моҳароларимизга ҳам мана, ўн саккиз йил бўлибди. Шу ўн саккиз йил ичида, бўладиган тўйимиз турли сабабларга кўра ўттиз саккиз марта қолдирилди. Аммо, лекин, қассобнинг характериға ҳеч тушунаолмасдим. Бир қарасанг, ичиб олиб «севаман-ўламан!» дейди. Бир қарасанг, эс-хуши жойида, лекин иши тескари, мендан айнади. Худди ана у машхур кинодаги Викторнинг ўзи. Бу орада ўзимни...

[Дағоми келгуси сонларда]

продюсер Уста КЎПАЛ



Бош муҳаррир:

Абдуҳошим ИРИСБОЙ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР, Дадаҳон
ЕҚУБОВ, Фарҳод РЎЗИЕВ, Муҳаббат ИБОДОВА,
Ҳалим САЙИИД [бош муҳаррир ўринбосари], Ботир
ЭРНАЗАР [масул котиб]

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бахтиёр ЭГАМБЕРДИЕВ, Рўзимат САФОВЕВ, Абсалом
УСАНОВ, Асқар АЛЛАБЕРДИЕВ, Абдумуталлиб
РИЗООҚУЛОВ, Мейли ИУЛДОШЕВ.

Газетамиз ҳомийлари — Тошкентдаги СЭВИЖ тижорат жамияти, Муборак туманидаги «Хитой» давлат ҳўжалиги, Шахрисабз пиллакашлик фабрикаси, Сирдарё «Оқ олтин» дон маҳсулотлари корхонаси.

Тахририят келган хатларга ғазма жавоб қайтармайди. Шуниингдек, фуқаролар билан ташиқлотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиздан олинган маълумотлар «Оила ва жамият»дан деб кўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ:

700029, Мустақиллик майдони, 1-бино.
Телефон: 39-43-95.

Азиз АБДУВАЛИ навбатчилик қилди.

Обуна индекси 64654. Рўйхатга олиш № 33.
Буюртма № Г-713. 23189 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми,
2 босма табоқ.